



Ижтимоий-сиёсий газета

№ 72 (1398), 2025 йил 9 апрель, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Халқаро анжуман



ТОШКЕНТ – ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Пойтахтимизда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси давом этмоқда. Тадбирнинг иккинчи кунда дунёда демократия ва инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш, тинчлик, хавфсизликни асраш, гендер тенгликни таъминлаш, барқарор ривожланишга эришиш, халқаро гуманитар ҳуқуқ тамойилларига тўла риоя этилиши каби долзарб масалалар юзасидан фикрлашилди.



Анжуман доирасида глобал аҳамиятга эга долзарб вазифалар юзасидан Ўзбекистон тажрибаси бўйича тадбирлар ҳам ташкил этилди. Унда аҳоли саломатлигини асраш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги ишлар, эришилаётган натижалар хусусида маълумот берилди. “Ўзбекистон — 2030”

стратегиясида бу борадаги ислохотларни изчил давом эттириш бўйича белгиланган мақсад ва режалар, уларни рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси тақдим этилди.

Тадбир иштирокчиларидан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

► Давоми 2-бетда

КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ — УМУММИЛЛИЙ БУРЧ



“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университетининг 90 йиллигига ТЎҚСОНИНЧИ ДОВОН ВА ЯНГИЛАНГАН ШОНЛИ ЙЎЛ МАСЪУЛИЯТИ

Янги Ўзбекистон барпо этилаётган қўлғи диёримиз азалдан улғў алломалар юрти, илм даргалари ватани, дунёга донғи кетган таълим даргоҳлари шакланган маънавий тарбия макони сифатида доврўқ қозонган.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ушбу заминда 90 йил олдин ташкил этилган ва ҳозир энг нуфузли таълим даргоҳларидан биридир.

Университетимизнинг бугуни ва замонавий тараққиётини 90 йиллик тарихисиз тасаввур этиб бўлмагани каби мамлакатимиз таълим тизимидаги ўрни ва аҳамиятини ҳам босиб ўтилган ана шу шонли йўлни билмай, уни чуқур ўрганмай туриб англаш қийин.



Энг замонавий билимлар билан қуролланган, тафаккур дунёси кенг ёшларсиз Ўзбекистон келажаги, жаҳон ҳамжамиятидаги мустақкам ўрнини тасаввур этиб бўлмайди. Баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур

шарт-шароит яратиш бу борадаги фаолиятнинг стратегик мақсадирид. Деярли 100 йиллик анъаналарига эга олийгоҳимизнинг бугунги фаолияти ушбу йўналишдаги ислохотларнинг яққол мисоли бўла олади.

► Давоми 5-бетда

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

Ҳасан ЙЎЛДШЕВ оған сураб.



УЗОҚ ШАРҚҚА МАШЪАЛ БЎЛГАН “ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

ЁХУД КАПИТАН КАЙДАЛОВНИНГ ҚУВОНЧ ВА АРМОНЛАРИ

И

Ҳарбий мажбуриятни ўташ даврим 1989-1991 йилларга тўғри келган. Бу пайтда собиқ иттифоқ ўз ҳукмронлигини сақлаб турган бўлса-да, сўнгги нафасини олаётган кезлар эди. Дастлаб ярим йил Волгоград

шаҳридаги сержантлар мактабида тайёргарликдан сўнг ўн чоғли аскар хизматни давом эттириш учун Узоқ Шарққа — Амур вилоятига сафарбар қилиндик.

Темир йўл қўшинлари таркибига кирувчи биз тушган ҳарбий қисм БАМ (Байқал-Амур магистрალი) деб аталуви аср қурилишида иштирок этар экан. Кичик сержант

унвони билан менга бўлима командирлигини топиришди. Вазифам ўзим масъул бўлган, 7 аскардан иборат бўлимага раҳбарлик қилиб, янги ётқизиб кетилаётган темир йўлда техник сошлаш ишларини бажариш эди.

► Давоми 6-бетда



“МАРКАЗИЙ ОСИЁ - ЕВРОПА ИТТИФОҚИ”
БИРИНЧИ САММИТИ



ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК КЎПРИГИ

Шу йил 3-4 апрель кунлари қадимий Самарқанд шаҳри Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги тарихий саммитга мезбонлик қилди. Бундай юқори даражадаги учрашувлар одатда дипломатик протоколлар, геосиёсий мухокамалар ва расмий баёнотлар доирасида баҳоланади. Бироқ бу саммит ўзининг аниқ амалий натижалари ва фуқаролар манфаатига йўналтирилгани билан ажралиб турди. У ЕИ ва МО ўртасидаги стратегик шериклиқни янада мустақкамлади ва минтақадаги оддий аҳоли ҳаётида муҳим ўзгаришлар яшаш учун мустақкам пойдевор барпо этди.

Саммит доирасидаги энг муҳим воқеалардан бири Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен томонидан ЕИнинг “Global Gateway” ташаббуси доирасида 12 миллиард евро миқдордаги стратегик инвестиция пакети эълон қилингани бўлди. Ушбу инвестиция барқарор инфратузилма, қайта тикланувчи энергия манбалари, рақамли алоқа ва муҳим стратегик хомашё материалларига оид лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган. Бу эса қурилиш, логистика, ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳаларида минглаб янги иш ўринлари очилиши, минтақавий энергетика ҳамда транспорт тизимининг яхлит интеграциясини таъминлайди.

► Давоми 2-бетда



**SAMARQAND
IQLIM FORUMI**
4-5 APREL 2025

4-5 апрель кунлари Самарқанд халқаро иқлим форуми доирасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги ўрмон хўжалиги агентлиги Жаҳон банки билан биргаликда “Ўзбекистонда барқарор ландшафтларни тиклаш” лойиҳаси бошланганини эълон қилди.

ЎРМОН ВА ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН ЕРЛАРНИ ТИКЛАШ

ЖАҲОН БАНКИ ЛОЙИҲАГА 153 МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТАДИ

Жаҳон банки лойиҳани амалга ошириш учун 153 миллион доллар ажратади. Бу лойиҳа Марказий Осиёнинг бешта давлатида ўрмонлар ва деградацияга учраган ерларни тиклашга қўмаклашиш бўйича минтақавий дастурнинг бир қисмидир.

— Жаҳон банки билан ҳамкорликда йўлга қўйилаётган лойиҳа Ўзбекистон ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган мақсадларга эришишга ёрдам беради, — дейди экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазир Азиз Абдуҳақимов. — Бу ўн йиллик охирига қадар ўрмонлар майдонини 6,1 миллион гектарга етказиш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Лойиҳа деградацияга учраган ерларга бута ва даррахт экиш орқали маҳаллий ландшафтлар барқарорлигини ҳамда озиқ-овқат тизимлари унумдорлигини оширади, шунингдек, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш ва иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

► Давоми 4-бетда

Бошланиши 1-бетда

Мартин ЧУНГОНГ,
Парламентлараро Иттифоқ
бош котиби:

— Вагинингизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирланганимдан бениҳоя мамнунман. Бунинг учун Президентингиз ва халқингизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Кейинги йилларда мамлакатингиз билан ҳамкорлигимиз юксак даражага чиқиб, самарали алоқалар йилдан йилга кенгаймоқда. Биргаликда қатор йирик халқаро тадбирлар ташкил этдик. БМТ Бош Ассамблеясининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилинди.

Ташкилотимизнинг 150-юбилей тадбири Ўзбекистонда ўтаётгани яна бир катта воқеалиқдир. Бундай тадбир Марказий Осиёда илк бор ташкил этилмоқда ва бу имкониятни яратиб бергани учун давлатингиз раҳбарига яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Ушбу анжуманда Президентингиз ўз нутқи билан иштирок этгани тадбирнинг нуфузини янада оширди. Зеро, нутқда бугун дунёда долзарб қўллаб масалалар қамраб олинди. Шунингдек, мамлакатингиздаги демократик ислохотлар, уларнинг ҳаётии самараси чуқур таҳлил этилди. Жумладан, парламентга кўпроқ ваколатлар бериш, гендер тенгликни рағбатлантириш, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни бартараф этиш борасидаги ишлар самарасини бунга мисол сифатида келтиришим мумкин.

Феруза ЭШМАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили:

— Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси Ўзбекистонда ўтказилаётгани юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, парламентаризм ва вакиллик ҳокимиятини ривожлантириш борасида эришилаётган катта натижалар эътирофидир. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда барча соҳалар, шу жумладан, инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш борасида ҳуқуқий ва амалий ишлар тубдан тақомиллашяпти.

Шунингдек, демократик ислохотлар жараёнида жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Янги таҳрирдаги Конституцияимизда инсон ҳуқуқлари



Дарҳақиқат, юртингизда бундай тизимли ислохотлар натижасида 7 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилган ва бу жараён давом этапти. Бундай ютуқлар янада мустаҳкамланиши учун давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Юртингиздаги бундай муҳим ўзгаришлар Парламентлараро Иттифоқнинг инсон салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган қадриятларига мос келади.

Ўз навбатида, давлатингиз раҳбари нутқида бугун дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган нотинчликлар ҳақида тўхталиб, бундай ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини ошириш зарурлигини қайд этди.

Дунёда тинчлик, тараққиёт ва адолатни таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига жиддий тўғноқ бўлаётган тенгсизликларнинг асл сабабларини аниқлаш ва унга қарши курашиш барчамизнинг умумий ишимиз бўлиши лозимлиги айтилди. Бу фикр ва ғоялар инсониятнинг бугунги ҳаёти ва келажаги учун катта қаҳриқдир. У барчамизни тинчлик ва тараққиётга эришиш йўлида доимо фаол бўлишга даъват этади.



муҳофазаси билан боғлиқ меъёрлар 3,5 баробар кўпайгани бунинг яққол исботидир.

Ўз навбатида, омбудсман институтининг мақоми ва ваколатлари ҳам мустаҳкамланыпти. Ҳозирги кунда омбудсманнинг ҳудудларда минтақавий вакиллари ишлаяпти. Улар аҳоли орасига кириб,

Америка ПЕРЕС,
Венесуэла Миллий ассамблеяси
раиси ўринбосари:

— Ўзбекистонга биринчи мартаба келишим. Ўзбек халқининг дўстона муносабати ва бой маданияти бизни лол қолдирди. Венесуэла Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдор. Мазкур ташриф орқали биз мамлакатингиз билан парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш асносида барча соҳаларни ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

Шу маънода, Парламентлараро Иттифоқнинг 150-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери билан учрашувимиз муҳим воқеа бўлди. Унда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, дўстлик гуруҳларини тузиш орқали



муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга келишиб олдик.

Ўйлаймизки, парламентлараро самарали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва ўзаро ташрифларни амалга ошириш икки томон учун ҳам манфаатли бўлади.



“Дунёда тинчлик, тараққиёт ва адолатни таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига жиддий тўғноқ бўлаётган тенгсизликларнинг асл сабабларини аниқлаш ва унга қарши курашиш барчамизнинг умумий ишимиз бўлиши лозимлиги айтилди. Бу фикр ва ғоялар инсониятнинг бугунги ҳаёти ва келажаги учун катта қаҳриқдир. У барчамизни тинчлик ва тараққиётга эришиш йўлида доимо фаол бўлишга даъват этади.

муносабатларни беvosита тинглаб, инсон ҳуқуқларига оид муаммоларни жойида ҳал этишга эътибор қараяпти.

Бу борада эришилаётган натижаларимиз халқаро миқёсда эътироф этилаётгани бизни жуда қувонтиради. Ушбу тадбирда ҳам Ўзбекистонда турли соҳаларда эришилаётган натижалар алоҳида эътироф этилди ва ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш

бўйича кўплаб таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Уларни рўёбга чиқариш омбудсманлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Биз буни чуқур англаган ҳолда, белгилаб олинган режа ва дастурлар ижросини ўз вақтида таъминлаш орқали халқимизнинг турмушини янада фаровон этишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Клаудио Каяду САМПАЙО,
Бразилия парламенти аъзоси:

— Биз, Парламентлараро Иттифоқ аъзолари учун Ўзбекистон Президентининг ушбу тадбирда иштирок этиши ва сўзга чиқиши катта аҳамиятга эга. Президентингиз нутқида билдирилган фикрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Ассамблея доирасидаги муҳокамалар ва қабул қилинадиган қарорлар келажақ учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки биз, турли мамлакатлардан келган парламент аъзолари биргаликда қонунлар ишлаб чиқамиз, кучли демократияни мустаҳкамлаймиз ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги йўллариин излаймиз.

Шу билан бирга, бағрикенглик тамойилини ҳам муҳим деб биламиз. Биз барча халқлар, маданиятлар ва қарашларнинг хилма-хиллигини ҳурмат қиламиз ва бу тамойилни ўз ишимизда доим инобатга оламиз.

Ўзбекистон парламенти фаолияти билан яқиндан танишимиз. Парламентингизнинг ташкилотчилик даражаси жуда юқори, барча ишлар юксак савияда ташкил этилади.



Ҳамкасбаримизнинг ушбу салоҳиятига юқори баҳо берамиз ва ҳамкорликка ҳамisha тайёрмиз.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ўтаётган мазкур Ассамблея парламентлар ишини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини очди ва бизда катта таассурот қолдирди. Ушбу нуфузи тадбирда менга ҳам сўз беришгани, фикрларим билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлганим учун тадбир ташкилотчиларига чуқур миннатдорлик билдираман.



Фазлиддин АНВАРОВ,
Рақамли технологиялар
вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Рақамли технологияларнинг жадал тараққиёти барча соҳаларда катта ютуқларга замин яратмоқда. Шу сабабли юртимизда ҳам сунъий интеллектни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бундай технологияларнинг турли соҳаларга кириб келиши орқича оворагарчиликларнинг олдини олиш, халқимизнинг узоғини яқин, мушкулени осон қилишга замин яратмоқда, очиклик, шаффофиликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилапти. Шу билан бирга, сунъий интеллект технологияларини яратиш ҳамда қўллашдаги этика қоидалари ва тамойилларини ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Халқаро анжуман бугун ҳам давом этади. Унинг доирасидаги тадбир ва дебатларда парламентлар олдида турган энг асосий вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилари ҳамда истиқболли режалар белгилаб олинади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.

ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИК КЎПРИГИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу анжуман минтақаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига янги босқич бошланишини аниқлатади. Мазкур лойиҳалар фақат макроиқтисодий ютуқлар билан чекланиб қолмай, фуқаролар ҳаётида яққол сезиларли ўзгаришларни — қулай транспорт, барқарор энергия таъминоти, кенг қамровли рақамли хизматлар ва замонавий шаҳар ҳамда қишлоқ инфратузилмасини олиб келади. Бу Марказий Осиё халқларининг ҳаёт сифати сезиларли даражада яхшиланади дегани.

Самарқанд саммити доирасида имзоланган савдо ва инвестиция битимлари ҳам айни даражада муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, маҳаллий маҳсулотларни Европа бозорига экспорт қилиш салоҳиятини оширишга қаратилган. Европа Иттифоқининг техник регламентлар ва сертификатлаш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича кўрсатаётган кўмаги Марказий Осиёдаги ишлаб чиқарувчилар, жумладан, ўзбекистонлик тадбиркорларга халқаро стандартларга мос равишда

тез ва самарали рақобатлашиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш ҳамда халқаро савдонини энгиллаштириш маҳаллий тадбиркорликни фаоллаштириб, иш ўринларини кўпайтириш ва оилавий даромадини оширишга хизмат қилади. Бу эса иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик ўртасидаги мувозанатни таъминловчи инклюзив тараққиётга йўл очади.

Саммитнинг таълим соҳасидаги натижалари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. “Erasmus+” дастури доирасида Европа университетларида таҳсил оладиган марказий осийлик талабалар сонини сезиларли даражада оширилиши белгиланди. Шунингдек, Европа Иттифоқининг “Horizon Europe” илмий-тадқиқот дастурининг минтақавий офисини Ўзбекистонда очиш таклифи илгари сурилди. Бу сунъий интеллект, “катта маълумотлар” ва фазо технологиялари каби замонавий тармоқларда қўшма илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради.

Таълим ва фан соҳаларидаги алоқалар модернизация воситасидан ташқари келажақ етакчилари ва инновацион



Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази ижрочи директори

экотизимларга стратегик инвестициядир. Бу ёш авлоднинг глобал меҳнат бозорига рақобатлаша оладиган билим ва кўникмалар билан таъминлаш баробарида миллий ислохотлар ҳамда давлат бошқаруви институтларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш масаласида ҳам муҳим келишувларга эришилди. Ўзбекистон 2030 йилга бориб, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказишни мақсад қилган. Саммит доирасида Европа Иттифоқи билан қўёш ва шомол электр станцияларини ривожлантириш, “яшил” инвестиция платформаларини яратиш ҳамда иқлим сиёсати бўйича ҳамкорлик,

жумладан, карбон кредитлари минтақавий бозорини ишга тушириш бўйича келишувларга эришилди.

Саммитнинг энг муҳим натижаларидан бири Транскаспий транспорт йўлагини ривожлантиришга оид келишув бўлди. Европа Иттифоқи бу борада “Global Gateway” ташаббуси доирасида 10 миллиард евро миқдоридаги инвестиция йўналтириш ниятида эканини аллақачон маълум қилган эди. Саммитда ушбу лойиҳаларни рўёбга чиқаришни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

Транспорт инфратузилмасини яхшилаш ишлаб чиқарувчилар учун қулайлик яратиб, инвесторлар ишончини оширади. Минтақавий бизнес муҳитини фаоллаштиради. Халқлар ўртасидаги алоқани кучайтиради. Бу йўл шунчаки юк ташини воситаси эмас, балки интеграция ва ҳамкорликнинг муҳим кўприғидир.

Шунингдек, жамиятлар ўртасидаги инсоний ва маданий яқинлашув масалалари ҳам эътибор марказида бўлди. 2025 йилда Бухорода Марказий Осиё — Европа Иттифоқи туризм форумини ўтказиш ва “Бир тур — бутун минтақа” концепцияси асосида ягона минтақавий виза тизимини жорий этиш таклиф этилди. Бу ташаббуслар сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва маданий алмашинувни чуқурлаштиришни назарда tutади.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим. Гибрид таҳдидлар авж олаётган бугунги даврда чегара хавфсизлиги, терроризмга қарши кураш, кибербардошлилик ва қонуний савдога қарши кураш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. ВОМСА — Марказий Осиёда чегарани бошқариш дастури каби лойиҳаларни кенгайтириш орқали барқарорликни мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда.



Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, ОАВ эркинлиги ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга эътибор шерикликда умумий қадриятларни ақс эттиради. Бу тамойиллар ўзаро ишонч ва узоқ муддатли ҳамкорлик пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, минтақавий хавфсизликни таъминлаш устувор вазифадир. Европа Иттифоқининг институционал ислохотлар, фуқаролик эркинликлари ва очик бошқаруви қўллаб-қувватлаши Марказий Осиёнинг ривожланиш стратегиясига ҳамоҳанг.

Самарқанд саммити оддий дипломатик ютуқ эмас, балки икки минтақа ҳаётини ўзгартириш салоҳиятига эга стратегик

воқеадир. Унинг асосий жиҳати қабул қилинган қарорларни амалга таъбиқ этиш, янги иш ўринлари очишга хизмат қилувчи инвестициялар, иқтидорни оширадиган таълим алмашинувлари, барқарорликни таъминловчи энергетика ҳамкорлиги ва инсон қадрини юксалтирувчи ислохотлардир.

Жаҳон тартиби беқарорлик ва парчаланishi хавфи остида турган бир пайтда Марказий Осиё — Европа Иттифоқи шериклиги конструктив ва келажақни қўзловчи ҳамкорлик намунасини таклиф этмоқда. Энди бу улкан гоё ва келишувларни ҳаётга таъбиқ этиш жараёни миллионлаб инсон ҳаётида ушбу стратегик ютуқлар қай даражада ўз аксини топишини белгилаб беради.

“Саммитнинг энг муҳим натижаларидан бири Транскаспий транспорт йўлагини ривожлантиришга оид келишув бўлди. Европа Иттифоқи бу борада “Global Gateway” ташаббуси доирасида 10 миллиард евро миқдоридаги инвестиция йўналтириш ниятида эканини аллақачон маълум қилган эди. Саммитда ушбу лойиҳаларни рўёбга чиқаришни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

КОРРУПЦИЯ – жамият танасидаги саратон

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ –
УМУММИЛЛИЙ БУРЧ

Бошланиши 1-бетда

Қисқа даврда ушбу йўналишда ҳуқуқий асослар ва аниқ тизим яратилди, барча ташкилий масалалар ҳал қилинди. 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, хусусан, 5 та қонун, 30 дан ортиқ фармон ва қарор, 4 та давлат дастури қабул қилинди.

Парламент палаталарида бевосита шу масала билан шугулланувчи махсус кўмиталар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида доимий комиссиялар, барча идоралар ишини мувофиқлаштирувчи Миллий кенгаш, махсус ваколатли давлат органи — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Давлат бошқаруви тизими, давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомиллари тубдан такомиллаштирилди. Барча давлат идораларининг очик ва шаффоф фаолият юритишига эришилди.

“Коррупциясиз соҳа”, “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳалари, “Комплаенс назорат”, “Жамоатчилик назорати” каби мутлақо янгича механизмлар жорий этилгани ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ва очиклик борасидаги ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш тизимлари йўлга қўйилди.

Аҳамиятли жиҳати, коррупцияга қарши курашишга нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки барча вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик тўлиқ жалб қилинди. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда коррупцияга қарши кураш умуммиллий ҳаракатга айланди. Натижалар кўлами ҳақида эса узоқ гапириш мумкин. Буни халқимиз ҳам, халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда.

Сўнгги эълон қилинган “Open data inventory” очик маълумотлар рейтингида Ўзбекистон 15 поғона кўтарилиб, жаҳон бўйича 30-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Бирок коррупцияга қарши кураш жараёни муайян вақт билан белгиланмайдиган, унга муросасизлик муносабати доимий саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Зеро, шиддатли ўзгаришлар асри бўлган ҳозирги даврда, афсуски, коррупциянинг янгидан янги кўринишлари, мураккаб схемалари пайдо бўлмоқда, географияси ҳам кенгаймоқда.

Биргина ўтган йилда коррупциявий қилмишлари учун 4906 мансабдор жавобгарликка тортилгани, улардан 2,3 триллион сўм зарар ундириб олингани ҳам ҳали муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Бу эса коррупциянинг фақат оқибати билан курашиш эмас, унга имкон берган сабаб ва омилларни таг-томири билан йўқотадиган превентив чораларни кучайтириш лозимлигини аنگлатади. Зотан, коррупцияга қарши миллий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Халқаро экспертлар фикрича, бу иллатни фақат қонунлар қабул қилиш ва жазо чораларини кучайтириш билангина бартараф этиб бўлмайди. Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш ва жамиятнинг



Нигматилла Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

коррупцияга қарши маънавий имунитетини ошириш ҳам зарур.

Шу нуқтаи назардан, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг жорий йил 5 март кунин Президентимиз иштирокида бўлиб ўтган йиғилиши бу борадаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Қолаверса, мазкур тадбир жаҳон миқёсида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини яна бир бор кўрсатиб берди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш бўйича илгари сурган ташаббуслари ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш учун мустақам замин яратди.

Албатта, давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда прокуратура органлари олдида ҳам муҳим вазифалар қўйилди.

Шундан келиб чиқиб, прокуратура органларининг бу борадаги ишини қайта кўриб чиқдик. Алоҳида фармойиш қабул қилиб, прокуратура органларининг энг қуйидан юқоригача бўлган бутун тизимда **кучайтирилган иш тартиби** жорий қилдик.

Бу масалаларга барча даражадаги прокурорларнинг шахсан масъулиги ва жавобгарлигини белгиладик. Бош прокурор раҳбарлигида Мувофиқлаштирувчи штаб ҳам ташкил этилди.

Умуман, мазкур йиғилишда берилган кўрсатмаларга мувофиқ, давлат ва жамият ҳаётида юзага келаётган коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш бўйича **мутлақо янги тизимни** йўлга қўйдик.

Биринчидан, бутун саъй-ҳаракатларимизни коррупциянинг оқибатлари билан курашишга эмас, аввало, чуқур ўрганиш ва таҳлиллар асосида уларни келтириб чиқараётган омилларни аниқлаш ҳамда таг-томири билан бартараф этишга, қисқаси, превентив чораларга йўналтирдик.

Шу мақсадда Бош прокуратуранинг раҳбар ходимлари ҳар бир вазирлик ва идорада маъсул этиб бириктирилди. Қисқа муддатда прокуратура органлари ходимлари томонидан 70 га яқин вазирлик ва идораларда, уларнинг барча бўғинида мутасаддиларни тўлиқ жалб қилган ҳолда соҳадаги коррупциявий омиллар бирма-бир муҳокама қилинди. Натижада ҳар бир вазирлик ва идора бўйича уларнинг энг қуйи бўғинини ҳам қамраб олган ҳолда аниқ ва манзилли чораларни назарда тутган алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

Қисқа муддатда 10 дан ортиқ соҳада маиший ва тизимли коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича 20 га яқин аниқ тақлифлар тайёрланди. Мисол учун, мамлакатда биргина 2024 йилда 3531 гектар ер талон-тарож қилинган, қишлоқ хўжалиги ерига 227,6 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланиб, бу ҳолатлар бўйича 1854 та жиноят иши кўзгатишган.

Ўтказилган таҳлилларда мазкур қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқишига аксарият ҳолларда коррупция аралашгани маълум бўлди. Шу боис, соҳадаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш учун тегишли қарор лойиҳасини тайёрладик. Унда барча ваколатли идораларни “Е-УЕР НАЗОРАТ” дастурига интеграция қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ердан фойдаланиш ҳолатини ҳар йили икки мартаба инсон омилсиз аэрокосмик мониторингдан ўтказиш, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан реал вақт режимида назорат идораларига маълумот юбориш тизимини жорий этиш тақлиф қилинмоқда.

Бундан буён прокурорлар қонунчилик ижроси бўйича ўтказилаётган ҳар қандай назорат тадбирида тизимли қонунбузишлар билан бирга коррупциявий омилларни ҳам аниқлаш ва бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Иккинчидан, миллий парламент ҳамда маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, коррупция омилларини бартараф этиш ва бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини оширишда кенгашлар имкониятидан кенг фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Миллий парламентимиз билан ҳамкорликда коррупция кўп кузатилаётган соҳа ва ҳудудлар бўйича чуқур таҳлиллар ўтказиб, бевосита вазирлик ва идораларнинг ҳайат йиғилишларида ҳамда Миллий кенгашда танқидий муҳокамадан ўтказиш тизимини йўлга қўйганмиз.

2024 йилнинг ўзига 10 дан ортиқ вазирлик ва идора, маҳаллий ҳокимликлар тизимида ўтказган таҳлилларимиз натижаси Миллий кенгашда кўриб чиқишиб, манзилли чора-тадбирлар ижрога қаратилди.



Давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда прокуратура органлари олдида ҳам муҳим вазифалар қўйилди. Шундан келиб чиқиб, прокуратура органларининг бу борадаги ишини қайта кўриб чиқдик. Алоҳида фармойиш қабул қилиб, прокуратура органларининг энг қуйидан юқоригача бўлган бутун тизимда кучайтирилган иш тартиби жорий қилдик.

Шунингдек, назорат ва тергов фаолиятида аниқланаётган муаммолар ҳамда коррупциявий омилларни бартараф қилиш юзасидан парламент ва ҳукуматга 100 дан ортиқ ахборот ва норматив ҳужжат лойиҳаларини киритдик.

Коррупциявий жиноятлар аксарият ҳолларда маҳаллий даражада, яъни туман ва маҳалла миқёсида содир этилмоқда. Шу боис, парламент кўмиталари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда республика идоралараро ишчи гуруҳлари тузилиб, энг чекка маҳаллагача, ҳар бир соҳанинг қуйи бўғинигача тушиб, коррупциянинг илдирилари аниқлаш ва бартараф этиш чораси кўрилмоқда.

Ишчи гуруҳлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон ва Фарғона вилоятларида ўрганишлар амалга оширилиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар йиғилиши ўтказилди ҳамда зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Учинчидан, кўп бора таъкидланганидек, коррупциянинг олдини олишнинг энг қулай ва самарали йўлларида бири рақамлаштиришдир.

“

Қисқа муддатда 10 дан ортиқ соҳада маиший ва тизимли коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича 20 га яқин аниқ тақлифлар тайёрланди. Мисол учун, мамлакатда биргина 2024 йилда 3531 гектар ер талон-тарож қилинган, қишлоқ хўжалиги ерига 227,6 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланиб, бу ҳолатлар бўйича 1854 та жиноят иши кўзгатишган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



“Шаффоф қурилиш” тизими кўплаб бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, қонунбузарликларни барвақт тўхтатишга имкон бермоқда.

Ўтган йили бу тизим орқали қурилиш лойиҳаларига 3,7 триллион сўм ортиқча киритилгани, шунингдек, 63 миллиард сўмлик сифатсиз ишлар ва 83 миллиард сўмлик қўшиб ёзиш ҳолатларини аниқлаб, талон-тарожнинг олдини олишга эришдик.

Ёқилги-энергетика соҳасида жорий қилинган “Энергоназорат” тизими, “АСКУЭ” ва “АСКУГ” дастурларининг такомиллаш-

тиричиликлари билан ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, коррупция омилларини бартараф этиш ва бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини оширишда кенгашлар имкониятидан кенг фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Миллий парламентимиз билан ҳамкорликда коррупция кўп кузатилаётган соҳа ва ҳудудлар бўйича чуқур таҳлиллар ўтказиб, бевосита вазирлик ва идораларнинг ҳайат йиғилишларида ҳамда Миллий кенгашда танқидий муҳокамадан ўтказиш тизимини йўлга қўйганмиз.

2024 йилнинг ўзига 10 дан ортиқ вазирлик ва идора, маҳаллий ҳокимликлар тизимида ўтказган таҳлилларимиз натижаси Миллий кенгашда кўриб чиқишиб, манзилли чора-тадбирлар ижрога қаратилди.

Шунингдек, назорат ва тергов фаолиятида аниқланаётган муаммолар ҳамда коррупциявий омилларни бартараф қилиш юзасидан парламент ва ҳукуматга 100 дан ортиқ ахборот ва норматив ҳужжат лойиҳаларини киритдик.

Коррупциявий жиноятлар аксарият ҳолларда маҳаллий даражада, яъни туман ва маҳалла миқёсида содир этилмоқда. Шу боис, парламент кўмиталари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда республика идоралараро ишчи гуруҳлари тузилиб, энг чекка маҳаллагача, ҳар бир соҳанинг қуйи бўғинигача тушиб, коррупциянинг илдирилари аниқлаш ва бартараф этиш чораси кўрилмоқда.

Ишчи гуруҳлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон ва Фарғона вилоятларида ўрганишлар амалга оширилиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар йиғилиши ўтказилди ҳамда зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Учинчидан, кўп бора таъкидланганидек, коррупциянинг олдини олишнинг энг қулай ва самарали йўлларида бири рақамлаштиришдир.

Қисқа муддатда 10 дан ортиқ соҳада маиший ва тизимли коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича 20 га яқин аниқ тақлифлар тайёрланди. Мисол учун, мамлакатда биргина 2024 йилда 3531 гектар ер талон-тарож қилинган, қишлоқ хўжалиги ерига 227,6 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланиб, бу ҳолатлар бўйича 1854 та жиноят иши кўзгатишган.

Ўтказилган таҳлилларда мазкур қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқишига аксарият ҳолларда коррупция аралашгани маълум бўлди. Шу боис, соҳадаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш учун тегишли қарор лойиҳасини тайёрладик. Унда барча ваколатли идораларни “Е-УЕР НАЗОРАТ” дастурига интеграция қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ердан фойдаланиш ҳолатини ҳар йили икки мартаба инсон омилсиз аэрокосмик мониторингдан ўтказиш, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан реал вақт режимида назорат идораларига маълумот юбориш тизимини жорий этиш тақлиф қилинмоқда.

Бундан буён прокурорлар қонунчилик ижроси бўйича ўтказилаётган ҳар қандай назорат тадбирида тизимли қонунбузишлар билан бирга коррупциявий омилларни ҳам аниқлаш ва бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Иккинчидан, миллий парламент ҳамда маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, коррупция омилларини бартараф этиш ва бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини оширишда кенгашлар имкониятидан кенг фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Миллий парламентимиз билан ҳамкорликда коррупция кўп кузатилаётган соҳа ва ҳудудлар бўйича чуқур таҳлиллар ўтказиб, бевосита вазирлик ва идораларнинг ҳайат йиғилишларида ҳамда Миллий кенгашда танқидий муҳокамадан ўтказиш тизимини йўлга қўйганмиз.

2024 йилнинг ўзига 10 дан ортиқ вазирлик ва идора, маҳаллий ҳокимликлар тизимида ўтказган таҳлилларимиз натижаси Миллий кенгашда кўриб чиқишиб, манзилли чора-тадбирлар ижрога қаратилди.

Шунингдек, назорат ва тергов фаолиятида аниқланаётган муаммолар ҳамда коррупциявий омилларни бартараф қилиш юзасидан парламент ва ҳукуматга 100 дан ортиқ ахборот ва норматив ҳужжат лойиҳаларини киритдик.

Қисқа муддатда 10 дан ортиқ соҳада маиший ва тизимли коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича 20 га яқин аниқ тақлифлар тайёрланди. Мисол учун, мамлакатда биргина 2024 йилда 3531 гектар ер талон-тарож қилинган, қишлоқ хўжалиги ерига 227,6 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланиб, бу ҳолатлар бўйича 1854 та жиноят иши кўзгатишган.

Ўтган йили бу тизим орқали қурилиш лойиҳаларига 3,7 триллион сўм ортиқча киритилгани, шунингдек, 63 миллиард сўмлик сифатсиз ишлар ва 83 миллиард сўмлик қўшиб ёзиш ҳолатларини аниқлаб, талон-тарожнинг олдини олишга эришдик.

Ёқилги-энергетика соҳасида жорий қилинган “Энергоназорат” тизими, “АСКУЭ” ва “АСКУГ” дастурларининг такомиллаш-

тиричиликлари билан ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, коррупция омилларини бартараф этиш ва бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини оширишда кенгашлар имкониятидан кенг фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Миллий парламентимиз билан ҳамкорликда коррупция кўп кузатилаётган соҳа ва ҳудудлар бўйича чуқур таҳлиллар ўтказиб, бевосита вазирлик ва идораларнинг ҳайат йиғилишларида ҳамда Миллий кенгашда танқидий муҳокамадан ўтказиш тизимини йўлга қўйганмиз.

2024 йилнинг ўзига 10 дан ортиқ вазирлик ва идора, маҳаллий ҳокимликлар тизимида ўтказган таҳлилларимиз натижаси Миллий кенгашда кўриб чиқишиб, манзилли чора-тадбирлар ижрога қаратилди.

Шунингдек, назорат ва тергов фаолиятида аниқланаётган муаммолар ҳамда коррупциявий омилларни бартараф қилиш юзасидан парламент ва ҳукуматга 100 дан ортиқ ахборот ва норматив ҳужжат лойиҳаларини киритдик.

Коррупциявий жиноятлар аксарият ҳолларда маҳаллий даражада, яъни туман ва маҳалла миқёсида содир этилмоқда. Шу боис, парламент кўмиталари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда республика идоралараро ишчи гуруҳлари тузилиб, энг чекка маҳаллагача, ҳар бир соҳанинг қуйи бўғинигача тушиб, коррупциянинг илдирилари аниқлаш ва бартараф этиш чораси кўрилмоқда.

Ишчи гуруҳлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон ва Фарғона вилоятларида ўрганишлар амалга оширилиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар йиғилиши ўтказилди ҳамда зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Учинчидан, кўп бора таъкидланганидек, коррупциянинг олдини олишнинг энг қулай ва самарали йўлларида бири рақамлаштиришдир.

Қисқа муддатда 10 дан ортиқ соҳада маиший ва тизимли коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича 20 га яқин аниқ тақлифлар тайёрланди. Мисол учун, мамлакатда биргина 2024 йилда 3531 гектар ер талон-тарож қилинган, қишлоқ хўжалиги ерига 227,6 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланиб, бу ҳолатлар бўйича 1854 та жиноят иши кўзгатишган.

Ўтказилган таҳлилларда мазкур қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқишига аксарият ҳолларда коррупция аралашгани маълум бўлди. Шу боис, соҳадаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш учун тегишли қарор лойиҳасини тайёрладик. Унда барча ваколатли идораларни “Е-УЕР НАЗОРАТ” дастурига интеграция қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ердан фойдаланиш ҳолатини ҳар йили икки мартаба инсон омилсиз аэрокосмик мониторингдан ўтказиш, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан реал вақт режимида назорат идораларига маълумот юбориш тизимини жорий этиш тақлиф қилинмоқда.

Бундан буён прокурорлар қонунчилик ижроси бўйича ўтказилаётган ҳар қандай назорат тадбирида тизимли қонунбузишлар билан бирга коррупциявий омилларни ҳам аниқлаш ва бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Иккинчидан, миллий парламент ҳамда маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, коррупция омилларини бартараф этиш ва бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини оширишда кенгашлар имкониятидан кенг фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Миллий парламентимиз билан ҳамкорликда коррупция кўп кузатилаётган соҳа ва ҳудудлар бўйича чуқур таҳлиллар ўтказиб, бевосита вазирлик ва идораларнинг ҳайат йиғилишларида ҳамда Миллий кенгашда танқидий муҳокамадан ўтказиш тизимини йўлга қўйганмиз.

2024 йилнинг ўзига 10 дан ортиқ вазирлик ва идора, маҳаллий ҳокимликлар тизимида ўтказган таҳлилларимиз натижаси Миллий кенгашда кўриб чиқишиб, манзилли чора-тадбирлар ижрога қаратилди.

“

Бош прокуратуранинг раҳбар ходимлари ҳар бир вазирлик ва идораларга масъул этиб бириктирилди. Қисқа муддатда прокуратура органлари ходимлари томонидан 70 га яқин вазирлик ва идораларда, уларнинг барча бўғинида мутасаддиларни тўлиқ жалб қилган ҳолда соҳадаги коррупциявий омиллар бирма-бир муҳокама қилинди. Натижада ҳар бир вазирлик ва идора бўйича уларнинг энг қуйи бўғинини ҳам қамраб олган ҳолда аниқ ва манзилли чораларни назарда тутган алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

ЎРМОН ВА ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН ЕРЛАРНИ ТИКЛАШ ЖАҲОН БАНКИ ЛОЙИҲАГА 153 МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТАДИ



Бошланиши 1-бегда

Бундан ташқари, лойиҳа табиий ресурслардан янада самарали фойдаланиш орқали кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлайди, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда эко-туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўчатларнинг иқлим шароитида мослиги, сифати-га унчалик аҳамият берилмаётган эди. Эндиликда лойиҳа доирасида ушбу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Унинг яна бир афзаллиги шундаки, яратил-диган барча боғлар, ўрмонлар, яшил қоп-ламалар Ўрмон хўжалиги агентлиги тасар-рулида бўлади. Маблағлар нафақат кўчатлар қилиши, балки парваришига ҳам йўналиш-тирилади.

Мазкур лойиҳа мамлакат ҳудудларида ландшафт барқарорлигини таъминлаш ва ўрмонларни қайта тиклаш, шунингдек, Ўз-бекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа дав-латлари ўртасида трансшегаравий табиий ҳудудларни тиклаш бўйича ҳамкорлиқни мустаҳкамлайди. Ушбу тадбирлар мамла-катимизнинг 6 та ҳудуди — Жиззах, Қашқа-дарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида амалга оширилади.

Ўзбекистонда ўрмон ресурслари чеклан-ган. Маълумотларга кўра, ўрмон билан қоп-ланган ер майдони 4,4 миллион гектарни, умумий ер майдонининг эса 10,6 фоизини ташкил қилади. Охириги 10 йилда ўрмонзор-лар майдонини кўпайтиришга жиддий эъти-бор қаратилди. Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон барпо этиш ҳажми кескин кў-пайтирилганини бунга мисол сифатида кел-тириш мумкин.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2024 йил 27 март куни қабул қилинган “Халқаро та-

“
Ўзбекистонда ўрмон ресурслари чекланган. Маълумотларга кўра, ўрмон билан қопланган ер майдони 4,4 миллион гектарни, умумий ер майдонининг эса 10,6 фоизини ташкил қилади. Охириги 10 йилда ўрмонзорлар майдонини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилади. Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон барпо этиш ҳажми кескин кўпайтирилганини бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

раққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг 176 минг гектар ер майдонида ўрмонзорларнинг табиий тикланишига кўмакла-шиш, 38,5 минг гектар ерда яйловларни қайта тиклаш чоралари кўриломоқда. Шунингдек, 15 минг гектарда сувни тежаш ва тоғ ўрмонла-рида tupроқ эрозиясига қарши курашиш, 14,2 минг гектарда агроўрмончилик тадбирларини амалга ошириш, 5 минг гектарда саноатбо-йи ўрмонзорлар ҳамда 5 минг гектар ер майдо-нида доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил қилишга киришилган.

Иқлим ўзгариши ўрмонлар деграда-циясини тезлаштирмоқда. Ўз навбатида, бу ёнгинлар кўпайиши, зараркунадлар тарқалиши ва даракт касалликлари орти-шга олиб келади.

Жаҳон банки Ўзбекистон ҳукуматининг деградацияга учраган ерларни тиклаш бо-расидаги савий-ҳаракатларини қўллаб-қувват-лаётганини юқори баҳолади. Янги лойиҳа орқали мамлакат Жаҳон банки томонидан мо-лиялаштирилган Марказий Осиёда барқарор ландшафтларни тиклаш дастурига қўшилиди. Дастур Қозғистон, Қирғизистон, Тожикис-тон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг шаҳар

ва қишлоқ ҳудудларида иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатишга хизмат қилади.

Ўрмон хўжалиги агентлиги лойиҳа доира-сида деградацияга учраган ерлар, дарактлар-ни тиклайди. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун фермерларга молиявий ва таълим соҳасида ёрдам кўрсатади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва ўрмон кўриқхоналарини бошқаришни тақо-милаштириш ҳамда 6 та ҳудудда барқарор экотуризмни ривожлантириш мақсадида Ўз-бекистонда биринчи бўлиб ўрмон планта-циялари бўйича ягона маълумотлар базаси ва Ўрмон хўжалиги агентлиги учун ахборот-коммуникация платформаси яратилади.

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ҳамда Ўрмон хўжалиги агентлиги ҳузуридаги ло-йиҳани амалга ошириш бўйича гуруҳ ўртаси-да ўзаро аниқлашув меморандуми имзоланди. Битим ўрмон хўжалиги соҳасида унинг эко-логик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини қамраб олган илмий тадқиқотлар учун лойи-ҳа маблағлари ҳисобидан грант ажратишни назарда тутди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ОРОЛ МАДАНИЯТ САММИТИ Табиат нафаси билан сугорилган гоёлар, ИННОВАЦИЯЛАР ПЛАТФОРМАСИ

Яхши ва узоқни кўзлаб илгари сурилган ташаббуслар хайрли бўлади, қанот ёзиб, юксак парвозларга ундайди. БМТнинг 2023 йил 22-24 март кунлари Нью-Йоркда сув ресурсларига бағишлаб ўтказилган конференциясида Ўзбекистон томонидан долзарб ташаббус илгари сурилган ва бунини иштирокчилар қўллаб-қувватлаганди. Мазкур ташаббус Марказий Осиё давлатлари билан бир қаторда дунё ҳамжамиятини ҳам хавотирга солаётган масала — Оролбўйи ҳудудидаги вазиятнинг ўнгашга оид эди.

Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йил 28 мартдаги “Орол маданият саммитини юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, ҳудудда қулай табиий муҳит яратиш, ноёб маданияти ва тарихий меросини асраб-авайлаш ҳамда кенг оммалаштириш, ушбу йўналиш-ларда илмий тадқиқот ишлари, инновацион лойиҳалар ва ижодий ташаббусларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни янада кен-гайтириш мақсадида жорий йилдан бошлаб ҳар ўн саккиз ойда — баҳор ёки куз фаслида Орол маданият саммитини ўтказиш белги-ланди.

Саммит Оролбўйи ҳудудини санъ-ат, маданият, дизайн ва илм-фан орқали ижтимоий ва экологик жиҳатдан ўзгар-

мутахассислари ҳар бир экспонат бўйича қимматли маълумотларга эга бўлиш билан бирга Орол ва ушбу ҳудуднинг ўтмиши, бу-гун билан ҳам яқиндан таниди.

Лойиҳа Оролбўйида ва дунёнинг бош-қа минтақаларида юзага келган экологик муаммоларни муҳофаза қилиш ҳамда оқи-лона ечимлар тақдим этиш учун ўзига хос глобал платформа вазифасини ўтади. Уму-ман, Орол маданиятини тарғиб этиш билан жаҳон аҳлининг нигоҳи яна бир бор мазкур ҳудудга, бу ердаги экологик муаммоларга қаратилди.

— Саммитнинг узок муддатли сама-раси мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, барқарор ри-вожланиш лойиҳаларига инвестиция жалб



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

тиришга қаратилган янги лойиҳадир. Шунингдек, у Орол денгизи экотизими-ни асраб-авайлаш, маҳаллий маданиятни халқаро майдонда оммалаштириш бўйи-ча янги стратегияларни шакллантиришга хизмат қилади.

Биринчи Орол маданият саммити 4-5 апрель кунлари Самарқандда юқори савия-да ўтказилган иқлим форумига уйғун ҳолда Самарқанд ва Нукус шаҳарларида ташкил этилди. Унда Орол экотизимини тиклаш, ҳу-дуднинг маданий меросини асраб-авайлаш ва барқарор ривожланишига кўмаклашиш-га қаратилган ноёб ташаббуслар намойиш этилди. Визуал, сенсор ва интерфаол воси-талар орқали Оролбўйининг табиий ва ма-даний бойлиги билан танишиш имконияти яратилди.

Қўрғазмадан меъморчилик ва ландшафт фотографиясига ихтисослашган машҳур фотосуратчи Иван Баанинг асарлари, Қорақалпоғистон учун хос ўсимлик — қам-шудан ясалган флористик композиция, шунингдек, Оролбўйининг аънанавий маҳ-сулотлари — саксовул уруғи, чинақонлар, табиий туз, қуритилган исриқ, нақшли намот ва бошқа кўллаб экспонатлар ўрин олди. Икки кун давомида халқаро ва ма-ҳаллий экспертлар, эколог олимлар, соҳа

қилиш ва маҳаллий тадқиқотчилар учун янги имкониятлар яратишдан иборат, — дейди филология фанлари номзоди, доцент Олимжон Дуйсенбоев. — Келгусида иш-тирокчилар географиясини кенгайтириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни



Нодир ҚОБУЛЖОНОВ,
журналист



“Ховли олма, қўшни ол” мақоли асрлар оша қийматини йўқотмай келмоқда. Кўни-қўшничилик муносабатлари, бир-бирига кўмаклашиш, ҳамжиҳат яшаш эса муқаддас динимизда ҳам қадрланадиган тушунчалардир.

Президентимизнинг жорий йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан уч томонлама учрашуви тарихий воқеадир. Мазкур учрашув жадал ривожланаётган дунёда уч давлат ўз бирдамлиги ва биродарлигини кўрсата олгани билан муҳим аҳамият касб этади.

бунёдкорлик ва ҳамкорлик маконига айла-нишини таъкидлади. Эндиликда Марказий Осиё халқларининг бирлиқда катта куч бўлиб ҳаракат қилиши давлатлар тараққиёти учун муҳим эканига ургу берди.

Шунингдек, учрашувда Президентимиз бундан кейин бажариладиган ишлар ва томонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди. Жумладан, чегарадош ҳудудлар ҳамкорли-гини ривожлантиришга алоҳида эътибор бе-рилиб, чегаралардаги божхона пунктларини комплекс модернизация қилиш ва кенгайти-риш, замонавий савдо ва логистика инфра-тузилмасини шакллантириш, уч томонлама савдо майдончаси ташкил этиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг дои-

мий фаолият кўрсатадиган кўрғазма-ярмар-касини йўлга қўйиш белгиланди. Мамлакат-лар ўртасида савдо-сотик, туризм соҳасида транспорт алоқаларини ривожлантириш бо-расидаги ишларни давом эттириш, авиақат-новлар сонини кўпайтириш ва географияси-ни кенгайтириш, чегараолди ҳудудлардаги шаҳарлар ўртасида янги автобус йўналиш-лари очиш каби масалалар кўриб чиқилди. Глобал бўлиб турган “яшил” энергетика ва транспорт соҳаларидаги йирик минтақа-вий лойиҳалар, сув ва экология дастурларини ривожлантириш муҳим масалалардан экани-га ургу берилиб, иқтисодий йўналишда янада фаол ишлаш, халқлар фаровонлигини оши-ришга қаратилган устувор вазифалар даража-сини ошириш лозимлиги айтилди.

НУҚТАИ НАЗАР ФАРОВОНЛИК, БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК УЧУН ИЛДАМ ҚАДАМ

Мазкур тарихий воқеа муштарак мақсад остида бирлашган халқларимиз ўртасидаги тарихий, маданий ва сиёсий алоқалар мустаҳ-камланишининг амалий кўринишидир. Яқин қўшничилик ва стратегик шериклик, барқарор ривожланиш ва тараққиётни назарда тутадиган ишлар халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳам аққол кўзга ташланади.

Тарихий учрашув доирасида уч мамлакат маданият ва санъат усталари концерти ўтка-зилди. Давлатимиз раҳбари бу дастур ҳам ма-даниятларимизнинг бойлиги, ранг-барангли-ги ва муштараклигини яна бир бор намойиш этганини таъкидлади.

Президентимиз ҳар йили Наврўз байра-ми кунларида чегараолди ҳудудларда қўшма концерт ва дўстлик фестиваллари ўтказиш таклифи билан чиқди, шунингдек, кейинги йили мазкур тадбирни сўлим Фарғонада таш-кил қилиш таклифини берди.

Инсоният учун тарих ҳар доим энг кат-та ҳаёт сабогини бериб келган. Ўз тарихини унутмаган халқнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Учрашувнинг муҳим нуқтаси бўлган Хўжанд қалъасига ташриф уч мамлакат раҳ-барларида илқ таассурот қолдирди. Тарихи миллидан аввалги IV-V асрларга бориб тақа-ладиган қалъада таъмирлаш ишларидан кейин унинг деворлари, арк ва дарвозалари қайта тиклангани, 28 мингдан ортиқ экспонати мав-жуд бўлган ўлкашунослик музейи очилгани тожик халқининг ўз тарихига, тарихий мас-каларига доимо ҳурматда эканини намоён қилади.



Баҳодир МАЪМУРОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Давлат раҳбарлари ташриф доирасида уч мамлакат хунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва миллий таомла-ри кўрғазмасини томоша қилди. Албатта, халқларимизнинг дини, тақдирно тарихи уларни ўзаро бирлаштириб турувчи нуқта бўлиб хизмат қилади, қолаверса, санъати-мизнинг яқинлиги инсонларни бирлашти-риш, ҳамжиҳат бўлиб яшашига кўмакла-шади.

Президентимиз Тожикистонга ташри-фи давомида Қирғиз Республикаси Прези-денти Садир Жапаров билан ҳам учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги муҳим стратегик алоқаларни муҳокама қилди. Улардан энг муҳими яқин кунларда икки мамлакат ўрта-сида Иттифоқчилик муносабатлари тўғри-сида шартноманинг имзоланиши ҳақидаги қувончли хабардир. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги Хитой — Қирғизис-тон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши-ни жадаллаштириш муҳим экани, ҳудудлар ўртасидаги фаол алоқалар ва маданий-гу-манитар алмашинувни давом эттириш ҳар қачонгидан кўра зарур ишлардан саналиши айтилди. Кўп асрлик дўстлик ва яқин қў-шничилик муносабатлари изчил кенгайиб бо-раётгани халқларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшиши таъкидланди. Эндиликда сифат жиҳати-дан янги босқичга кўтарилган муносабат-ларнинг барча йўналишларида ҳамкорлик қўламини кенгайтириш лозимлиги икки мамлакат тараққиёти учун зарурлиги айтиб ўтилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик му-носабатлари тўғрисидаги шартнома кучга кирди. Таъкидлаш керакки, биргина 2024 йилда 700 миллион доллардан ошган товар айирбошлаш ҳажми саноат, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга ошириб келинаёт-ганини намойиш этмоқда. Бу каби ҳамкор-лик бутун Марказий Осиё учун манфаат-ли бўлади. Учрашувда таъкидланганидек, “Энди бу гўзал заминни бутунги ва кела-жак авлодлар муносиби ва бахтли яшаши учун биргаликда обод қилиш бизнинг бур-чимиздир”.

Янги Ўзбекистон нафақат ўз заминиди, балки минтақамиздаги яхши қўшничилик муносабатларида халқларнинг фаровонлиги, барқарор тинчлиги, ҳамжиҳатликда яшаши учун илдам қадам ташлашда давом этади. Зеро, тинчлик ва тотувлик, бирдамлик бор жойда юксалиш, тараққиёт ва ривожланиш бўлади.



Таълим сифати ва тадқиқот самарадорлигини янада ошириш орқали 2030 йилда дунё университетлари орасида илгор 300 талик рўйхатга кириш, университетимиз таълим хизматини экспорт қилиш, минтақавий хабга айлантириш кабилар шулар жумласидан. Булар университетимизни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича мўлжалланган стратегик вазифаларнинг асосий тамойилларидир.



“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университетининг 90 йиллигига

ТЎҚСОНИНЧИ ДОВОН ВА ЯНГИЛАНГАН ШОНЛИ ЙЎЛ МАСЪУЛИЯТИ

Баҳодир МИРЗАЕВ,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий
тадқиқот университети ректори



Бошланиши 1-бетда

Шонли тарихи ва замонавий фаолияти нуқтаи назаридан университетимиз ташкил этилганидан бугунгача муваффақиятга бой тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган олий таълим даргоҳидир.

Биринчидан, аллома боболаримиз мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир, деб бежиз айтмаган. Зеро, тарих — буюк муаллим, ўтмишдан сабоқ берадиган тарбиячи, бугуннинг асоси, келажакнинг пойдеворидир.

Бу жиҳатдан ХХ асрнинг бошларида ирригация ва мелiorация ҳамда қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича етуқ мутахассисларни тайёрлайдиган илк олий таълим даргоҳининг Марказий Осиёда биринчи бўлиб айнан Ўзбекистонда — Тошкентда ташкил этилгани асло тасодиф эмас эди.

Эҳтимол, ушбу соҳада ватанимиз ҳудудига қўшни давлатлар учун ҳам намуна бўладиган мустақам тарихий асос ва асрий тажрибалар шаклланишининг ёрқин ифодаси, нуқтадан боболаримизнинг шу соҳадаги бунёдкорлик ишларининг ўзига хос мантйқий давоми бўлгани шубҳасиз.

Шу нуқтаи назардан, университетимизнинг 90 йиллик фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари, ўзгаришлар ва янгиланишларнинг қай тарзда амалга ошгани, қандай натижаларга эришилгани, ушбу даргоҳда ишлаган фан дарғалари, олим ва мутахассислар юртимиздаги таълим-тарбия тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани билан боғлиқ далилларни эсга оламиз.

Иккинчидан, минтақамизда ушбу йўналиш бўйича ягона институтнинг юртимизда ташкил этилгани ўша даврнинг ўзига хос талаби ва тақозоси эди дейиш мумкин.

Чунки ХХ аср бошларига келиб, бутун минтақа ва айниқса, мамлакатимизда ирригация, мелiorация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш кўлами кенгайиб, бу борадаги ишларнинг аҳамияти орттиб бораётган эди. Бу эса, ўз навбатида, соҳа учун зарур етуқ кадрларни тайёрлаш тизимини шакллантиришни долзарб заруратга айлантирганди.

Ўша даврда илм-фан, адабиёт, маданият, маорифни миллий асосга қўчиришга интилиш, дунёвий билимлар, жумладан, ирригация, қишлоқ хўжалиги ва мелiorация масалаларига эътибор қучайди. Бу борада кейинчалик университетимиз каби олий таълим муассасалари шаклланиши ва такомиллашувини учун жадид мактаблари тизими муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўз навбатида, буларнинг барчаси 1920 йил 7 сентябрда собиқ шўролар ҳукумати томонидан Тошкент шаҳрида Туркистон давлат университети (ТДУ)ни ташкил этиш ҳақидаги қарор чиқарилиши учун муҳим туртки бўлди. Ўша давр шароити ва талабларига мос йирик олий ўқув юрти бўлган ТДУ таркибидagi 8 факультет орасида қишлоқ хўжалиги ва техника факультетлари фаолият юритгани эса кейинроқ университетимиз шаклланиши учун муҳим аҳамият касб этди.

Учинчидан, университетимиз илк шаклланиш йилларидан бошлаб бугунгача серқирра тарққиёт йўлини босиб ўтди. Жумладан, 1923 йил бошида Туркистон давлат университетининг техника факультети муҳандис-мелiorаторлар факультетига айлантирилди. 1923/1924 ўқув йилида биринчи мутахассислар тайёрланди. Қишлоқ хўжалиги факультетини 24 муҳандис-мелiorатор соҳаси бўйича 16 мутахассис тамомлади.



маънавий-маърифий ўзгаришлар рўй берди. Бундай жиддий янгиланишлар институтимиз ҳаётида ҳам кескин бурилиш, янги давр шаклланиши учун асос бўлди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги базис қийинчиликларга қарамай, институт қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича муҳандис кадрлар тайёрлашда кўплаб ижобий натижаларга эришди. Бу даврда институтнинг моддий-техник ва ўқув базаси янада мустаҳкамланди, мутахассислар тайёрлаш услублари ўзлаштирилди, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг маданий-маиший шароити яхшиланди.

Ушбу даврдаги институт фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги “Тошкент ирригация ва мелiorация институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 3 сентябрдаги “Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларини бажариш билан узвий боғлиқ.

Олтинчидан, кейинги йиллар, айниқса, 2016 йилдан университет ҳаёти ва фаолиятида янги давр бошланди.

Бу давр Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида Тошкент ирригация ва мелiorация институти негизида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ташкил этилишидан бошланди.

“

Олийгоҳимиз Ўзбекистон олий таълим муассасалари миллий рейтингига сўнгги 3 йилдан буён пешқадамлик қилмоқда. Бугун дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтингларидан бўлган THE World University Rankings 2025 дунё рейтингига 601-ўрин, Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлар университетлари бўйича 2-ўрин ва Ўзбекистонда 1-ўринда турибди.



очиш ва қўлларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги тизими ва сув хўжалиги ишларида муҳандисларга талабнинг муттасил ортиши бу соҳада малакали кадрлар тайёрлашни ўткир заруратга айлантирган эди.

Институт ҳар йили ўқиси мобайнида нафақат Ўзбекистон, балки қардош республикалар, базис чет давлатлар учун ҳам зарур минглаб мутахассислар — чуқур билимли қишлоқ хўжалиги техникалари ва механизаторлари, сув хўжалиги ва пахта ишлаб чиқариши механизациялаштириш муҳандисларини тайёрлаган.

Бу даврда етишиб чиққан олимлар ва малакали мутахассислар маъмур тизимларида самарали меҳнат қилган ва баъзилари ҳозир ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгач, мамлакат ҳаётида чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий,

фойдаланишга киритиш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, “яшил” энергетика ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Бундай долзарб глобал муаммоларни ечиш учун инвестициялар ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга кўтариш ҳамда ишланмаларни амалиётда қўллашга қодир муҳандисларни тайёрлаш масалалари устувор аҳамият касб этди.

Бугун “ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети таркибидagi 7 та факультетни ўз ичига олувчи бош кампус, Фундаментал ва амалий фанлар илмий-тадқиқот, Бухоро табиий ресурсларни бошқариш, Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтлари, Қозғоғистоннинг Олмаота шаҳридаги филиали ҳамда Тошкент вилоятида жойлашган ўқув-илмий маркази билан юқорида санаб ўтилган анъанавий ва замон талаби асосида янги очилган кўплаб йўналишларда кенг қамровли академик дастурларни (бакалаврият босқичида 40 та тури, магистратура босқичида 36 та, 21 та докторантура ва 15 профессионал малака ошириш дастурлари) тақлиф этди.

Сўнгги икки йилда университет факультет ва кафедралари замонавий таълим йўналишлари ва илмий фаолият йўналишларига мослаштирилди. Шунингдек, 3 та янги кафедра сунъий интеллект соҳасида қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект кафедраси, трансгравий сув муносабатлари бўйича юриспруденция таълим йўналиши талабалари учун ҳуқуқ кафедраси, хорижий филология (инглиз тили) бўйича ўқитиш назарияси ва методикаси ка-

қўйилган. Шунингдек, АҚШнинг Колорадо университети билан реал вақт режимида АҚШ ва Ўзбекистон таълими уйғунлашган “қўшма класс” лойиҳаси асосида машгулотлар ўтилимоқда.

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Италиянинг Болонья ва Венгриянинг Обуда университетлари билан “ақли” қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, геонформатика, инновацион бошқарув каби йўналишлар бўйича қўшма таълим дастури жорий этиш юзасидан меморандумлар имзоланди.

Университетнинг Олмаота шаҳридаги филиалида 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб сув хўжалиги ва мелiorация, гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Университет жорий йилда 9 та бакалаврият ва магистратура дастурини Германиянинг ASIN халқаро аккредитация агентлиги томонидан 5 йил муддатга халқаро аккредитациядан ўтказди. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект кафедраси олимлари томонидан Ўзбекистонда биринчи бўлиб инклюзив таълим бўйича рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ёрдамида 2 та дастур яратилди.



федралари ташкил этилди. ЮНЕСКОнинг сув дипломатияси, сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кафедраси фанлараро таълим ва илмий тадқиқотлар платформаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Институтнинг миллий тадқиқот университетига айланиши асло тасодиф эмас, балки мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижаларидан бири, жамиятимиз ҳаёти ва таълим тизимидаги янгиланишларнинг таркибий қисминдир.

Кейинги йилларда чекланган сув захира-ларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта

Сўнгги икки йилда университетда фаолият юритаётган педагог ходимларнинг илмий салоҳияти 18 фойз ошди. 2022-2024 йилларда университет профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув жараёнида фойдаланиш учун 149 та дарслик ва 214 та ўқув қўлланма яратилди.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида университетда қатор хорижий компания ва маҳаллий иш берувчи ташкилотлар ҳомийлигида 16 та махсус аудитория ташкил этилиб, зарур техник ва лаборатория воситалари билан жиҳозланди.

Барча иш берувчи корхоналарнинг битирувчи курс талабалари учун “Иш берувчи стипендияси” таъсис этилди. Бугун 100 дан ортқ талаба ушбу стипендияни олмақда.

Шунингдек, 23 та мутахассислик кафедрасининг бир қатор корхона ва ташкилотларда 25 та филиали очилди.

Университет ҳузуридаги Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти илмий лабораторияларига Германия, Бельгия, АҚШ, Латвия, Польша, БАА, Хитойда фаолият юритган ватандош олимларнинг ишга келиши тадқиқот самарадорлигини юқори босқичга олиб чиқмоқда.

БМТ Тараққиёт дастурининг “Техник салоҳиятни мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида университетнинг Тошкент вилоятида жойлашган ўқув-тажриба хўжалигида талабалар амалиёт ўташи ва ёш олимларнинг

илмий тадқиқот ишларини бажаришига шароит яратиш мақсадида 4,7 гектар майдонда “Замонавий сув тежовчи технологиялар ўқув-илмий полигони” барпо этилди. Хитойнинг “Huawei Tech Investment Tashkent” компанияси ҳомийлигида “Ақли қишлоқ ва сув хўжалиги” кўргазмали зали ташкил қилинди.

Ўқув-илмий марказимизда Lindsay компанияси (АҚШ)нинг Zimmatic ёмғирлатиб сугориш машинаси ишга туширилди. 2023 йилда Австриянинг FELDER group компанияси билан ҳамкорликда “Ёғоч ишлов бериш инновацион ўқув маркази” очилди. 2024 йилда мазкур компания билан ҳамкорликда қурилш материаллари (ёғочсозлик) бўйича ҳамкорликда олий малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда соҳа мутахассисларини ўқитиш йўлга қўйилди.

Университет мамлакатда ва дунёда халқаро нуфуз ва ўқув-илмий салоҳиятини янада ривожлантириш, фаолият самарадорлигини ошириш, таълим ва илмий дастурларнинг халқаро миқёсдаги даражасини юксалтириш орқали дунё рейтингларида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Жумладан, олийгоҳимиз Ўзбекистон олий таълим муассасалари миллий рейтингига сўнгги 3 йилдан буён пешқадамлик қилмоқда. Бугун дунёнинг энг нуфузли халқаро рейтингларидан бўлган THE World University Rankings 2025 дунё рейтингига 601-ўрин, Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлар университетлари бўйича 2-ўрин ва Ўзбекистонда 1-ўринда турибди. QS World University Rankings 2025 глобал дунё рейтингига 547-ўрин, Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлар университетлари орасида 4-ўрин ва юртимизда 1-ўринни эгаллади.

Очиги, бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Умуман олганда, “ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети ўқув, илмий, халқаро ҳамкорлик фаолияти бўйича дунё университетларининг юқори қаторидан жой эгаллади.

Жаҳондаги ОТМлар орасида рақобат ниҳоятда кучли, замон шиддат билан ривожланмоқда. Мутахассисларнинг меҳнат бозоридagi ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш осон бўлмайди. Шу боис, бугун университетимиз юқори салоҳиятли олимлари, мавжуд ресурсларини тўлиқ сафарбар қилиб, жаҳон миқёсдаги биринчи тоифали университетлар даражасига чиқмоқда.

Мамлакатимиздаги шароитдан фойдаланиб, турли соҳалар, жумладан, олий таълим, илмий тадқиқот, инновацион ва салоҳиятни ривожлантириш йўналишларида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзининг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси асосида улкан марраларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Таълим сифати ва тадқиқот самарадорлигини янада ошириш орқали 2030 йилда дунё университетлари орасида илгор 300 талик рўйхатга кириш, университетимиз таълим хизматини экспорт қилиш, минтақавий хабга айлантириш кабилар шулар жумласидан. Булар университетимизни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича мўлжалланган стратегик вазифаларнинг асосий тамойилларидир.

Ўз навбатида, бу университет фаолияти янги босқичга кўтарилиши билан боғлиқ долзарб вазифаларни бажаришда барчамизнинг фаол ва омиқор бўлишимиз зарурлиги, зиммамизга улкан масъулият юклаганидан далолат беради.

Ҳақим йўлдошев олган сурат.



“Амир Темур ҳокимият тепасига келиши билан ҳарбий иш соҳасида улкан ўзгаришлар юз берган, улар Шарқу Ғарб ҳарбий-назарий тафаккури тараққиётида катта роль ўйнаган.

9 апрель — Амир Темур таваалуд топган кун

УЗОҚ ШАРҚҚА МАШЪАЛ БЎЛГАН “ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

ёхуд капитан Кайдаловнинг қувонч ва армонлари

“Амир Темур бобомиз ҳақида Кайдаловнинг тилида чоп этилган ўнлаб китобларни унга совға қилмоқчи эдим. Жумладан, “Темур тузуқлари”ни ҳам. Балки мукаммал русча таржима нашрини ўзи ҳам излаб топган чиқар, ҳозир бу қийин эмас. Ўша пайтда чамаси 35-37 ёшларда эди, ҳозир омон бўлса 70 дан ошиб, қариллик гаштини сураётган чиқар. Эҳтимол, ўзи ҳам йил сайин миқдори ошиб бораётган хорижлик сайёҳлар сафида Ўзбекистонга келиб, Амир Темурни зиёрат қилган, “Темур тузуқлари”ни илк бора қўлга олганидаги каби ҳаяжон билан тилла кошнларга меҳр-ла боққан бўлса, не ажаб.

мураккаб маттни русчага ўгириш мен ўйлагандек осон иш эмас экан. Бу ҳақда капитанга айтганим, ҳар бир жумлани айнан эмас, маъносини чиқариб берсанг, мен учун кифоя, деган мазмунда жавоб қилди.

“Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Амир Темурнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятнинг қўлга киритиши, сиёсий тарқоқликка барҳам бериши, марказлашган давлат тузиши, 27 мамлакатни, жумладан, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонни ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон, турк султони Боязид Йилдиримга қарши ҳарбий юришлари, улкан салтанатини мустаҳкамлаш учун турли ижтимоий табакаларга нисбатан қандай муносабатда бўлгани буюк Соҳибқирон тилидан ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисм машҳур жаҳонгирнинг фарзандларига аталган ўзига хос васият, панд-насиҳатлар ва ўғитлардан иборат. Унда давлатни идора этишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини танлаш, армиянинг тузилиши ва жанг қилиш қоидалари, сипоҳийлар маоши, мамлакатни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва барча мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизмат-

изгириндан, оғир жисмоний меҳнатдан озод этилади. Қизиқ, биздан неча асрлар олдин яшаб ўтган, юртни обод, халқни фаровон қилган улуг шахс тарафтан нур замонлар оша биз каби авлодлар қалбини мунаввар этаверар экан-да!

Шундай ҳаёллар билан сингилларим жўнатма билан юборган, кунни кеча қўлимга етиб келган, китоб шаклида чоп этилган “Темур тузуқлари”ни узатдим.

— Бу мендан сизга совға, ўртоқ капитан. Миллатнинг яхши-ёмони бўлмайди, одамларнинг яхши-ёмони бўлади. Кайдалов (ҳамон исмини билмайман) яхши одам эди. Китобни сал қолса кўзига суртудек бўлиб қўлига олди.

— Раҳмат сенга, — деди ва мени акаларча кучоқлаб, бағрига босди. — Жуда катта иш қилдинг! Маҳмудов. Отам ҳам хурсанд бўлади. “Шарқ юлдузи”ни ҳам олиб қоламан, токи бу китоб билан журнал мен эриша олмаган илм чўққилари йўлини машъал бўлиб ёритиб турсин.

Ҳарбий қисмини тарқ этадиган кун ҳам етиб келди. Капитан билан хайрлашганимиз шундоқ кўз олдимда турибди.

— Нафақама 4-5 йил қолди, Ўзбекистонга бормоқчиман. Амир Темур билан боғлиқ ҳама нарса мен учун қизиқарли. Тошкентга борсам, мени Самарқанд билан Шаҳрисабзга олиб борасан.

Амир Темур бутун ҳукмронлиги даврида бирор марта мағлубиятга учрамаган. Машҳур араб тарихчиси Ибн Арабшох ёзганидек, “Темур кўркмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли (киши) ларни, доворак ва мардларни ёқтирар эди”. Бинобарин, Соҳибқироннинг асосий мақсади алоҳида мулкларни мустаҳкам ва қудратли давлатга бирлаштиришдан иборат бўлган.

Амир Темур ҳокимият тепасига келиши билан ҳарбий иш соҳасида улкан ўзгаришлар юз берган, улар Шарқу Ғарб ҳарбий-назарий тафаккури тараққиётида катта роль ўйнаган.

“Темур тузуқлари”да давлат бошқару-вининг ҳар бир соҳаси ва ҳар қайси мансаб даражаси бўйича муайян тузуқлар битилган. 27 мамлакатдан таркиб топган буюк салтанат асосчиси Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарагай йирик давлат арбоби, моҳир дипломат, улуг саркарда, илму маданият ҳомийси, ҳақ ва адолатнинг жасоратли яловбардори сифатида миллий давлатчиликда, ҳуқуқ ва сиёсат соҳасида ўзидан унутилмас ва барҳаёт таълимотлар, тўра-тузуқлар қолдирган.

Салтанатда касбу хунар ва маърифат аҳли мунтазам иш билан таъминланган. Сармояси қўлдан кетиб қолган савдогарларга ўзини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилган. Деҳқонлар ва раяндан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қўриб етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғлик ва меҳнат қуроллари тайёрлаб берилган.

“Амир Темур олимларга хайрихоҳ муносабатда бўлар ва билими билан ҳалоллигини кўрган олимларга ишонар эди. У тарихчи ва файласуфлар, илм-фан ва маъмурий соҳада билимдон кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтидан ҳам тушар эди. Амир Темур ўзидаги кишиларни бўйсундириш қобилиятига уларни ўз ҳукмронлиги остида бахтиёр қилиш истеъдодини ҳам қўшган эди”, деб ёзади Луи-Матье Ланглэ.

III

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан фарқи ўлароқ, ҳозир ҳар қандай меҳмонга қўрсатишга арзийдиган, уларнинг хайратига сабаб бўладиган жиҳатларимиз жуда кўп. Капитан Кайдалов келса, Самарқанд билан Шаҳрисабзга, 1996 йил бунёд этилиб, ишга туширилган Темурийлар тарихи давлат музейига, юртимизнинг қатор гўшаларида буюк бобомиз шарафига тикланган ҳайкал ва қадимжолар зиёратига, у билан боғлиқ манзилларга олиб боришни ўзимча ўйлаб қўйгандим.

“Темур тузуқлари” қайта-қайта нашр этилаётгани, бутунги кунда унинг қўлёзма ва тошбоша нусхалари дунё бўйлаб кенг тарқалгани, ушбу ноёб асар парчалари жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётгани ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Шунингдек, бутун мамлакатимиз Темур бобомиз оруз қилган жаҳоннинг етук сиёсатчилари иштирокидаги йирик машавратларга мезбон бўлаётган сиёсий маконга айланганини кўз-кўз қилардим. Самарқандга Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлган даврдаги каби улугворлик қайтгани, бутун у замонавий шаҳарга айланганини кўрсатардим.

Яна Амир Темур бобомиз ҳақида Кайдаловнинг тилида чоп этилган ўнлаб китобларни унга совға қилмоқчи эдим. Жумладан, “Темур тузуқлари”ни ҳам. Балки мукаммал русча таржима нашрини ўзи ҳам излаб топган чиқар, ҳозир бу қийин эмас. Ўша пайтда чамаси 35-37 ёшларда эди, ҳозир омон бўлса 70 дан ошиб, қариллик гаштини сураётган чиқар. Эҳтимол, ўзи ҳам йил сайин миқдори ошиб бораётган хорижлик сайёҳлар сафида Ўзбекистонга келиб, Амир Темурни зиёрат қилган, “Темур тузуқлари”ни илк бора қўлга олганидаги каби ҳаяжон билан тилла кошнларга меҳр-ла боққан бўлса, не ажаб.

Яна ким биладими...

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

1991 йил арафасида катта сержант унвонини олдим. Бир куни рота бўйича навбатчилик пайтими тунда китоб ўқиб ўтирсам, казармага қисм бўйича навбатчи бўлган капитан Кайдалов назорат учун келиб қолди. Кайдалов ҳарбий қисм командирининг сиёсий-тарбиявий масалалар бўйича ўринбосари эди. Низомга кўра вазият ҳақида унга ахборот бердим.

— Ўқияйсанми? — деди капитан китобга қўл чўзар экан. — Қандай китоб бу?

— Бадиий асар, уйдан жўнатишган, — дедим. Ўткир Хошимовнинг “Нур борки, соя бор” китобини унга узатар эканман.

У китоб муқовасига бир қур назар ташлади, варақлаган бўлди.

— Кўп ўқияйсанми?

— Ҳа, муталаа қилиб тураман.

Кайдалов индамай чиқиб кетди. Эртаси куни мени капитан чақиратганини билмай, “Навбатчилик пайтими китоб ўқиганим учун жазоласа керак”, деган ҳаёлда ҳарбий штаб жойлашган бинога йўл олдим. Хонасига кириб, ҳарбийчасига ҳисобот бермоқчи эдим, қўл узатиб кўришди. Одатда зобитлар аскарлар билан бу тарзда сўрашмайди. Кўнглим бир илиқлик туйди.

— Ўтир, — деди қаршисидан жой кўрсатиб. — Амир Темур ҳақида ҳам ўқиганимсан?

Ҳар нени кутган бўлсам ҳам, бу саволини кутмаган эдим. Нима дейишни билмай, жим қолдим. У саволини қайтарди:

— Ўзбекистонда Амир Темур ҳақида ҳам китоблар чоп этилганми? “Темур тузуқлари”ни ўқиганимсан? Унинг саркардалик фаолиятдан хабаринг борми?

Очиги, унинг саволларига жўяли жавобим йўқ эди. Нима дейман, “Темур бобо катта мамлакатга асос солган саркарда бўлган. Шу сабаб бизга Амир Темурни салбий образ сифатида кўрсатишган. Унинг аслида ким эканини, қандай катта шахс бўлганини биз, ёшлар онгига синдириш “халқ душманлари”ни кўпайтиришга хизмат қилади”, дейманми? Ахир бу ўз ихтиёринг билан бўйинига сиртмоқ солиш-ку! Ватанимизда ошкоралик даври бошланиб, ўзликини таниш, танитиш ишлари авж олган бўлса ҳам ҳукмронлар томонидан ёмонлиқ қилинган аждодимиз ҳақида биламан, ўқиганман деб яхши гап айтиш... хатарли эди-да. Шу

боис, имкон қадар умумий жавоб беришга ҳаракат қилдим.

— Ўзи мактабни ўтган йили битирдим. Бизга дарсларда деярли бу мавзунини ўқитишмаган. Аммо ўтган йили “Шарқ юлдузи” журнали “Темур тузуқлари”ни эълон қилганди. Ўзбекистонда бу нашрнинг нуфузи жуда баланд, тахминан ярим миллион ададда чоп этилади. Лекин асарни ҳали ўқиб улгурмагандим, — дедим.

— Ўша журнални уйингдигилардан сўраб кўрасанми? Агар юборишса, мени хурсанд қилган бўлардинг.

тўғрисида кўп нарса билгим келади. Лекин манбалар кам, адабиётлар йўқ. “Темур тузуқлари” Тошкентда чоп этилаётгани ҳақида отамдан баъзи гапларни эшитгандим. Илтимос, ўшани менга тоғиб бер, — деди Кайдалов.

Шундан кейин капитан мен билан дўстидек гаплашадиган бўлди. Кўпинча навбатчилик кунлари тунда ротаимизга келар, бирга чой ичиб, ўқийётган китобларим ҳақида суриштирар, Амир Темур ва Марказий Осиё тарихи мавзусида гаплашар эди. Унинг илтимосига кўра, “Шарқ юлдузи” журналининг жўнатиш-



— Ҳа, уймда ҳамма сонлари бор, айтман, жўнатишади. Аммо у ўзбек тилида.

— Ҳечқиси йўқ, уни русчага таржима қиласан, бунинг учун сенга ҳамма шароитни яратиб бераман.

Хуллас, суҳбатимиздан яна шулар маълум бўлдики, Кайдаловнинг отаси таниқли тарихчи-шарқшунос олим экан. Капитаннинг ўзи ҳам илм билан шуғулланиб, кейинчалик тақдир тақозосига кўра ҳарбий соҳани танлабди.

— Саркардалар ҳаётига жуда қизиқман. Айниқса, Амир Темур ҳаёти ва фаолияти

ларини сўраб, уйга хат ёзиб юборгандим. Мактуб 10 кунларда етиб борган шекилли, яна шунча вақт ўтиб, номимга жўнатма (аскарлар орзиги кутадиган “посилка”) келди. Унда патир нон, қанд-курс, ўзбекча кўшиқлар ва ота-онам, сингилларим овози ёзилган магнит тасма билан бирга Кайдалов кутган журналнинг 1989 йил 8-сонига ҳам бор эди.

— Баракалла, Маҳмудов! Бугундан ҳамма нарсадан озодсан, — деди капитан қўлига журнални тутқаганимда ёш боладек қувониб. — Қисм командирни буйруғини чиқартираман, штабда ёрдамчим бўласан. “Тузуқлар”ни таржима қиласан.

Бу гап ўзимга ҳам ёқди. Ахир ташқарида ҳарорат 40 даража совуқ, штаб эса иссиқина, ўтирволиб таржимасини қилиб бераман деб ҳаёл қилдим. Аммо русчада равон сўзлаш билан русча матн ёзиш бошқа-бошқа нарсалар эканини ўша пайтгача билмасдим. Таржима, боз устига, “Темур тузуқлари”дек

“Темур тузуқлари”да давлат бошқарувининг ҳар бир соҳаси ва ҳар қайси мансаб даражаси бўйича муайян тузуқлар битилган. 27 мамлакатдан таркиб топган буюк салтанат асосчиси Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарагай йирик давлат арбоби, моҳир дипломат, улуг саркарда, илму маданият ҳомийси, ҳақ ва адолатнинг жасоратли яловбардори сифатида миллий давлатчиликда, ҳуқуқ ва сиёсат соҳасида ўзидан унутилмас ва барҳаёт таълимотлар, тўра-тузуқлар қолдирган.

ларини тақдирлаш йўсини ва бошқалар хусусида гап боради”.

Тахминан шундай мазмунда кириш сўзи қилдим. Ҳозир ўйлаб қоламан: ўшанда Кайдалов ишончини оқлай олганимдими ёки йўқ? Ахир ўрта маълумот билан ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган 20 ёшли йигитча қай аҳволда таржима қилдим экан! “Тузуқлар”нинг мазмунини “таржимам”да нотўғри ўзанга бурилиб кетмадимикан? Икки ойга яқин вақт ичида асаринг учдан бирини зўрга русчада қоралаб бердим. 200 саҳифадан ошган қўлёзмамни ўқиб, капитан бир нимани тушунадимикан? Ҳамон бу саволларнинг жавоби йўқ. Шуниси аниқ эдики, Кайдаловнинг Темур бобомизга меҳри, қизиқиши ҳар қандай мужмал матндан ҳам хазина излашга, уни англаш сари ҳаракат қилишга ундар эди. Назаримда, бу йўлдаги барча қийинчиликка қарамай, у мақсади — Амир Темур шахсини ўрганишни жуда-жуда истарди.

1991 йил сентябрнинг сўнгги кунлари ҳарбий хизмат муддати тугаб, уйга қайтишга рухсат тегди. 5-10 кун ичида тўрва-халтамини кўтаришим керак. Қувончим ичимга сиғмайди. Бироқ Кайдалов бундан хурсанд эмасди. Унияма тушунаман. Ахир таржима ҳали охирига етмаган эди-да. У ноёб хазина — “Темур тузуқ”ларини “бой бераётган” эди. Аммо бунинг ҳам ечим топилди. Биздан олти ой кейин хизматга келган олмалиқлик Ғайрат исмли аскарни капитанга рўпара қилдим.

— Таржимани мана шу йигит давом эттиради, — дедим. — Русчани яхши билади.

Кайдаловнинг юзи ёришди. Унинг меҳри қўздан билдимки, таржимани Ғайрат давом эттиради. У ҳам мен каби Темур бобонинг меҳр қушидан тафт олади, ташқаридаги



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

